



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 26.01.2022 г. № 42

между Мароканд нефт база и Зарафшон Магистрал тизимларидан фойдаланиш бошқармаси на общую сумму 228751371,00

Глава _____ 170
Казначейский лицевой счёт _____ 100010860184017042402170003

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4252500			
Январь	228 751 371,00			228 751 371,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	228 751 371,0			228 751 371,0

Всего 228751371,00 сум

Двести двадцать восемь миллионов семьсот пятьдесят одна тысяча триста семьдесят один сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 228751371,00 сум или 100,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в январь мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Каримкулов Асланкул Зияевич
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Жозилов Исрофил Абдугофурович
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

**Нефть маҳсулотларини туғридан-туғри сотиш
Ш А Р Т Н О М А С И № 42**

« 26 » 01 2022 йил

Пастдаргом т.

“Мароканд нефт базаси” МЧЖ, кейинги ўринларда «Маҳсулот сотувчи» деб юритилувчи номидан НИЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **А.И.Икрамов** бир томондан ва Зарафшон МФБ кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи номидан А.З. Қаримқуров низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини бериш, «Истеъмолчи» эса берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, нархи шунингдек, бериш муддатлари куйидаги спецификация жадвалида келтирилади.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Миқдори	Суммаси
Автобензин Аи-80	О'zDst 3031;2015	л	9340461	3	28021383
Автобензин Аи-91			12044537		
Ўчоқ ёқилгиси					
Диз.ёнилғиси		л	11151666	18	200729988
Диз.ёнилғиси ЭКО	О'zDst 1134;2007		12171668		

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Маҳсулот берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан 228751371 сўми шундан 15% ҚҚС суммаси 29837135,35 ташкил қилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 май куни ўтказилган №27-сонли йиғилиш баёнининг 23-бандига асосан бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилгиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида шаклланади.

2.3. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг нархлари « Маҳсулот сотувчи» томонидан бошқа истеъмолчиларга барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади.

2.4. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган захоти берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичида амалга оширади. Акс ҳолда «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.5. Бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Маҳсулот сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Маҳсулот сотувчи»нинг оморидан ёки унга қаршли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида унга берилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилгандагина берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»нинг хоҳишига қараб (истеъмолчида махсус автотранспорт воситаси бўлмаган тақдирда) «Маҳсулот сотувчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартиб ва келишилган кўшимча нархлар асосида етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнги ва техника ҳавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари келишилган калькуляция асосида қайта кўриб чиқилади.

3.3. Нефт маҳсулотлари оморига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Маҳсулот сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (Истеъмолчининг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Маҳсулот сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Маҳсулот сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ

истеъмоли молларини сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Маҳсулот сотувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Маҳсулот сотувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини беришни кафолатлайди. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини махсус автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун нефт маҳсулотлари сўммасининг 0,1 фоизи, лекин шартнома сўммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Етказиб берилган “Нефть маҳсулотлари” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Хўжалик Етказиб берувчига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Маҳсулот сотувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Маҳсулот сотувчи»


«Мароканднефтбазаси» МЧЖ

Пастдаргом тумани, Арабхонақишлоғи

х/р 2260400000440931701

МФО 00432 «Узсаноатқурилишбанк» АТБ

Яшнободфилиали ИНН 202041686


А.И.Икрамов

«Истеъмолчи»

“Зарафшон ИТФБ”

СТИР 204688504

х/р № 100010850184017042402170003

АТБ “Марканднефтбанк УБКИ”

Тошкент шаҳар бош бошқ. фили.


МФО 22100 ОКЕД 00014

Тел. +

Ҳуқуқшуноснинг хулосаси: Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353 ва 354 моддалари ҳамда 437-456-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 11 бўлим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради.

Ҳуқуқшунос

ИННМС булими


Оли А